

**«O'zneftgazinformatika» АЖ**  
**акциядорларнинг йиллик умумий**  
**йиғилиши қарори билан**  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**



**Умумий йиғилиш раиси**  
**Анопкина А.А.**

2019 йил 28 июн

М.У.

**«O'zneftgazinformatika» акциядорлик жамиятининг Низомига**  
**киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

<b>№</b>	<b>Амалдаги тахрир</b>	<b>Янги тахрир</b>
<b>1.</b>	4.7. банднинг матни	Бекор қилинсин 4.8., 4.9. бандлар тегишли равишда 4.7., 4.8. бандлар деб ҳисоблансин.
<b>2.</b>	9.6. банднинг к) кичик банди: «9.6. к) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш; »	9.6. банднинг к) кичик банди: «9.6. к) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш; »
<b>3.</b>	9.14. банд: «9.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. »	9.14. банд: «9.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. »
<b>4.</b>	10.4. банднинг матни	10.4. банднинг биринчи қисми охири хатбошисидан олдин қуйи мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин: «• аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш; »
<b>5.</b>	11.2. банд: «11.2. Жамиятнинг бошқаруви 5 кишидан иборат.»	11.2. банд: «11.2. Жамиятнинг бошқаруви 4 кишидан иборат.»